



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

**"ADABIYOT NAZARIYASI VA ZAMONAVIY ADABIY JARAYON"
KAFEDRASI**



O'zbekiston Qahramoni, atoqli o'zbek yozuvchisi Said Ahmad

tavalludining 100 yilligi munosabati bilan

**«SAID AHMAD IJODINING MA'NAVIY-MA'RIFIY AHAMIYATI VA
ZAMONAVIY O'ZBEK ADABIYOTI»**

mavzusidagi

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYASI

matriallari to'plami (22 iyun 2020 yil)

TOSHKENT -2020

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён” кафедраси

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли ўзбек ёзувчиси Сайд Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Сайд Аҳмад ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти ва замонавий ўзбек адабиёти» мавзусидаги Республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами.

Тахрир хайъати:

Ш.Сирожиддинов, ТошДЎТАУ ректори, ф.ф.д., проф.

З.Абдурашидов, ТошДЎТАУ илмий ишлар бўйича проректори, ф.ф.д.

С.Нормаматов, ТошДЎТАУ ўқув ишлари бўйича проректори, ф.ф.д.

Б.Абдушукуров, ўзбек филологияси факультети декани, ф.ф.д.

Б.Каримов, ф.ф.д., проф.

У.Жўракулов, ф.ф.д.

А.Улуғов, ф.ф.н., доц.

Д.Холдоров, PhD., доц.

О.Усмонов, ф.ф.н., доц.

У.Расурова, ф.ф.н.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Б.Каримов

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Р.Тўлабоева, PhD.

З.Суванов, PhD.

Ғ.Бобоҷонов - докторант

Тошкент – 2020 йил, 22 июнь.

Adabiyotlar

1. Nurali Qobul. Kechikkan turnalar. – Toshkent: Tafakkur, 2016.
2. Nurali Qobul. Johillik va qotillik. – Toshkent: IJOD-PRESS, 2017.
3. Said Ahmad. Ufq. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1976.
4. Xushboqov J. Yuragimning surati. – Toshkent: Yangi asr avlodni nashriyoti, 2018.

Сайд Аҳмад ва Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида образлар табиати

РАҲМОНОВА Хуршида
Алишер Навоий номидаги
ТошДЎТАУ тадқиқотчиси

Аннотация. Халқимизнинг қалбидан чукур жой эгаллаган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ўзининг қатор ҳикоя, кисса, романлари билан миллий адабиёимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Адиб ўз асарларида замондошларининг мураккаб тақдири, руҳий кечинмалари, яшаш тарзи, дард-аламлари ҳақида ёзади. Устозлар изидан бориб самарали ижод қилаётган истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам тарихий ҳамда замонавий мавзуларда насрой асарлар ёзиб келмоқда. Мақолада ўзбекнинг икки забардаст адиби Сайд Аҳмад ва Хуршид Дўстмуҳаммаднинг халқимиз бошидан ўтган оғир қунлар, қатагон йиллари мавзусига бағишлиланган ҳикоялари, улардаги образлар табиати, қаҳрамонлар психологияси ўзаро қиёсланиб таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: инсон руҳияти, замондош образи, тарихий шахс, ватанпарвар образи, тройка-махсус кенгаш, давр фожиаси, қатағон йиллари, эрксизлик, инсон шаъни, бадиий маҳорат, психолог-ёзувчи.

Халқимизнинг севимли ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, истеъододли адаб Саид Аҳмад миллий адабиётимиз учун улкан маънавий мерос қолдирди. Ҳаёт йўли мاشаққатларга тўла адаб бугун бизлар учун ибрат мактаби бўла олади, десак муболақа бўлмас. Адаб ўз асарларида замондошларининг мураккаб тақдири, руҳий кечинмалари, яшаш тарзи, дард-аламлари ҳақида ёзади ва китобхонга ҳам бу ҳисларни юқтиради.

Адаб айни ёшлиқ, ёниб ижод қилаётган бир даврида, 50-йилларда “халқ душмани” сифатида қамоққа олинди. Туҳматга учраган Саид Аҳмад жазо муддатини Қозоғистоннинг Жезқозғон лагерида ўтайди. Адигнинг матонати, ўз Ватанига бўлган муҳаббати, атрофдаги маҳбусларга бўлган бағрикенглиги, сабр-бардоши, қолаверса, турмуш ўртоғининг садоқатга, меҳрга тўла ёзган мактублари қатағон йилларининг совуқ шамолларини, бўронларини енгиб ўтишда ёрдам берди. Адигнинг истиқлол йилларида ёзилган “Борса келмас дарвозаси”, “Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан?”, “Офтоб ойим” ҳикоялари қатағон даври, қамоқ лагери хотиралари билан боғлиқ. Унда даврнинг мудҳиш манзаралари, инсон руҳиятининг нозик қатламлари, сўнгсиз изтироблари, соғингч азобларини адаб маҳорат билан тасвирлайди. “Борса келмас дарвозаси” номли ҳикояси адигнинг ўзи бевосита гувоҳ бўлган, бошидан кечирган аччиқ ҳақиқатлари ҳақида ёзилган асардир. Ҳикоянинг бош қаҳрамони ҳам адигнинг ўзидир. Ҳикояда жазо муддатини ўташ учун бир гуруҳ “халқ душманлари” пойездда узоқ юртларга сургун қилинади. Эшик ўрни сим тўр билан қопланган тўрт кишилик купега кўрпа-тўшаклару озиқ-овқатлар билан бирга йигирма етти кишини тиқиширишади. Ана шулар орасида Саид Аҳмад ҳам бор эди. Инсоннинг қадри, ғуури, борингки, инсонийлиги топталган бундай вазиятга оёқ тагида қолиб кетган, бели букчайганидан, нафас ололмаганидан исён қилган маҳбус ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги Ширинбетов соқчилар томонидан инсон боласи чидаёлмайдиган азобларга, қийноқларга солинади. Ва натижада пойезднинг ўзида ҳалок бўлади. Адаб маҳбус Ширинбетов образи

орқали инсоннинг қанчалар қадрсизланганини, поездда гўё инсонга эмас, ҳайвонга қилинадиган муносабатдан ҳам баттарроқ муомалада бўлишганини, маҳбусларнинг оддий инсоний ҳуқуqlардан ҳам маҳрум этилганлигини кўрсатиб берган. У ўзи ҳақида, ён-атрофдаги бечора, баҳтиқаро инсонлар ҳаёти, уларнинг топталған ғурури, шаъни ҳақида ёзади. “Бадий ижодда бир қонуният бор: асарда киритилган ҳар бир образ ижодкордан ўзлигини, характерерини “талаб қила бошлайди”. Асарда персонажлар кўп бўлса-ю, уларнинг моҳияти очилмаса – ёзувчи зинхор ютуққа эриша олмайди”[1. 293]. Саид Аҳмад асарларида ҳам ҳар бир персонаж ўзининг хусусияти, ўзига хос белгиси билан “ярк” этиб кўринади. Асарда Дадажон деган киши бор. Бу образ лагер ҳаётидаги мاشаққатларни, оғриқларни тотган инсон. Ёзувчи Дадажон образи орқали қатағон йилларининг, охири кўринмайдиган азобларнинг, инсон эркининг нақадар бўғилиб, тобора ўлимга юз тутаётганлигини кўрсатиб берган. “Бизнинг баракка ўн йил муддатини ўтаб бўлган, бугун-эрта озодликка чиқишини сабрсизлик билан кутаётган Дадажон деган Андижонлик киши бор эди. У билан кўп гаплашардик. У эртадан кечгача ғимирсиб, кетишга тайёрланарди. Йўлда кийиб кетиш учун ўзига брезент қўлқопдан шиппак тикиди. Хом сурп чойшабдан куйлак тикирди. Яшиклардан кўчириб олган фанердан чемадон ясади. Болаларининг олдига қуруқ бормасин, деб баракдаги биз маҳбуслар баҳоли қудрат бир сўмдан, икки сўмдан пул тўплаб, чўнтағига солиб “кўйдик” [2.35]. Қаранг, ёзувчи Дадажон рухиятидаги қувонч, соғинч, оиласига, она юртига қайтиш олдидан ҳаяжонларини, чексиз баҳтни табиий ва ишонарли қилиб тасвирлайди. Қаҳрамон қалbidаги қувонч, хурсандчилик унинг хатти-харакатлари, яъни брезент қўлқопдан шиппак тикиши, сурп чойшабдан куйлак тикириши, чемадон ясами орқали мохирона ифодалаб берилган. Дадажон учун, унинг болалари қувончи учун бир сўмдан бўлса ҳам пул йиғиб берган бечора маҳбусларнинг инсонийлиги, одамгарчилиги асарда яққол кўзга ташланади. Ўн йиллик азоб-уқубатлар юкини елкасида кўтарган Дадажон озодлик нашидасини энтиқиб кутарди. “Нихоят, уни

махсус бўлим вакили чакирди. Ўн беш чоқли маҳбус уни кузатиб чиқдик. Дадажон қушдек енгил бўлиб, ичкарига кириб кетди. Ҳозир у чиқади. Уни бағримизга босиб, эркинлик билан қутлаймиз. Беш минут ўтмай, у елкасига оғир тош кўтариб келаётгандай буқчайиб чиқди. “Нима бўлди?” – деб ундан сўраймиз. У гапиролмас, тили танглайига ёпишиб қолгандек энтикарди. У зўрға “Яна беш йил”, дея олди, холос”[2.35]. Бундай сатрларни ўқиган китобхон кўзига беихтиёр ёш келади. Дадажон қисматига ачинади, қатағон йилларининг мудҳиш манзарасини ҳис қилгандек бўлади. Даврнинг бундай фожиаси, яъни тройка–махсус кенгаш томонидан чиқарилган қонунлар халқни, айниқса ҳалол инсонларни эзиб, унинг руҳиятини синдириб, қайгу-аламлар гирдобига абадий ташлар эди. Адаб Дадажон образи орқали 50-йиллар қатағон даврининг қанчалар оғир кечганлигини, даврнинг фожиасини, “халқ душманлари” ҳеч қачон озодликка чиқарилмаслигини образлар воситасида бадиий ифодалаб берган. Дадажоннинг тақдири адабнинг “Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан?” ҳикоясида ҳам давом этади. Қиши кунларининг бирида Дадажонлар яшайдиган олтинчи баракда ёнгин чиқади. Етмиш икки маҳбус тутун, ёнгин ичидаги қолишади. Назоратчи Демянов буйруқ олмагунимча эшикни очолмайман деб, маҳбусларни қора тутун ичидаги қолдиради. Эркинликка чиқишдан умидини узган, мусибатдан иродаси букилган Дадажон охирги пайтларда соглигиги ҳам йўқотиб қўйганди. Штаб назоратчиси етиб келиб, эшикни очишга буйруқ берганига қадар Дадажон бандаликни бажо келтирган эди. “Сал фурсатдан кейин ҳушидан кетган Дадажонни кўтариб чиқишиди. Шошиб бордиму бушлат боғичини ечиб, кўкрагига қулок тутдим. Юраги урмасди. Лекин тани хали иссиқ эди. Билагини кўтариб, томирини ушлаб кўрдим. Ўттиз уч йил дуккиллаб муттасил уриб турган юрак энди уришдан тўхтаган эди. Унинг очик қолган кўзларига қарадим. Тун қоронғусида кўзларида қандай ифода қотиб қолганини билолмадим. Қабоқларини кафтим билан пастга қараб силадим. Етдим, деганда йиқилган Дадажоннинг бу дунёга

тўймаган, эркинлик йўлига интизор тикилган кўзлари энди бир умрга юмилди”[2.48]

Дадажоннинг тақдири, балки юзлаб, эҳтимол, минглаб Дадажонларнинг тақдири шундай кечгандир. Улар эркинлик, озодликни армон билиб, кўмсаб, ватан соғинчини қалбида ўзи билан бирга олиб кетган инсонлардир. Сайд Аҳмад ана шундай оддий, аммо орзу-ниятлари юксак ҳалқ вакилларинг образини, уларнинг армонларини маҳорат билан тасвирлай олган.

Устозлар изидан бориб инсоннинг мураккаб тақдири, қатағон йилларининг даҳшати, ватаннинг асл ўғлонларининг фожей тақдири, руҳиятнинг чек-чегарасиз оғриқли нуқталари ҳақида тарихий ҳикоялар ёзган адаб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам устоз адилларга муносиб авлод бўла олди. Устоз адаб Сайд Аҳмад бевосита ўзи гувоҳ бўлган, ўзида ҳис килган, ўз бошидан ўтказган қатағон йилларининг шамолини, одамларнинг аянли тақдирларини, умидсиз кунларини, изтиробларини оғир бир дард билан ёзади. Хуршид Дўстмуҳаммад эса ўтмиш тарихга саёҳат қилиб, 1918-йилларнинг адолатсизлиги, ҳалқнинг бошига келган кулфатлар, миллат учун улкан йўқотишлар ҳақида “Миркомилбойнинг қазо бўлган намози” ҳикоясида, 30-йилларнинг қатағон йиллари манзарасини “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикояларида ифодалайди.

Адабнинг тарихий мавзуга бағишлиланган ҳикояларидан бири “Миркомилбойнинг қазо бўлган намози” деб номланади. Асарда 1918 - ийл адолатсизлик ҳукм сурган, ўзбек ҳалқи бошига келган оғир жудоликлар, мудхиш даврлар ҳақида ҳикоя қилинган. Муаллиф мустамлака, эрксизлик, миллат таназзулининг сабабларини очишга уринади. Ҳикоядаги барча мазманий ва ижтимоий унсурлар шу мақсадга қаратилган. Ушбу ҳикоя тарихий қиммати билан бирга жуда катта руҳий тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Ёзувчи тарих воқеалари орқали бутун миллатга эрк ва озодлик гояларини тараннум этади.

Ҳикояда зиёли, тадбиркор Миркомилбой образини ўз халқи учун, унинг фаровон яшashi учун бир касалхона қурмоқчи бўлгани ва тегишли жойлардан рухсат ололмай тухматга учраган, ўз юртинг үғлонларини Россияга мардикорлик ишига юборишни хоҳламай, борбудини беришга тайёр мард, ватанпарвар инсон қиёфасида кўришимиз мумкин. Миркомилбой образи ўзида ўша давр ватанпарвар, содда, ҳалол, зиёли инсонларининг қиёфасини кўрсатиб бериши орқали ўзида бадиий умумлашмани ташийди ва шу билан бирга у ўқувчи кўз олдида алоҳида индивидуал хусусиятларга эга конкрет бир инсон сифатида гавдаланади. Миркомилбой ўрис мустамлакачиларининг нима мақсадда келишганини, ахвол шундай бўлаверса, ўзбекни келажакда қандай фожиалар кутаётганини жуда яхши билади. Имкон қадар янги замон шиддатидан ортда қолмасликка, миллатдошларини ҳам шундан огоҳ этишга, уларга ёрдам беришга интилади.

Адиб Миркомилбой образида ақл ва ҳисни уйғун ҳолда ифодалайдики, инсон қалбида мудраб ётган ватанпварлик туйғуларини жунбушга келтиради. Туркиялик Анвар пошшо ва Миркомилбой ўртасида бўлиб ўтган сухбатда Миркомилбойнинг чин инсоний сифатлари намоён бўлади.

“ – Туркистондан умидни қўпоринг, Миркарим сайим, бизим юртда қола билурсангиз, - деган эди Анвар пошшо

– Мен бу ерда қолсам, болалар-чи, оиланинг аҳволи не кечади? – деб эътиroz билдириди Миркомил.

– Жужуқлардин, насллардин-да қайгурманг, сайим. Иншааллоҳ, уларни-да, бу ерда гўтаражакмиз. Ота юртимиз хурият эдана қадар бизим Истанбулда яшаб билурингиз.

Миркомил гўё Анвар пошшонинг таклифига розилик бергандек бўлди-ю, ичиди нимадир узилиб кетти, қўл-оёғидан мадор қочди.

– Жужуқларни, наслларни кўчириб келармиз, пошто ҳазратлари, - деди Миркомил қаҳратонда қотган одамдай совуққотиб. – Лекин Ватанни қандай опкеламиз? Ватанни кўчириб бўлмайди-ку!

Энди ўйласа ўшанда Миркомил ичидан ёмон зил кетган экан, кўксининг аллақаерида “чирт” этиб узилган нарса энди бутун вужудга тарқагандек bemador-bemajol...” [3.12]

Юқорида қайд этилган Миркомилбойнинг Ватан хақидаги юракни зирқиратувчи, ларзага солувчи сўзлари ҳеч бир одамни бефарқ қолдирмайди. Ахир, Ватанни қандай қилиб олиб кетиш мумкин. Бунинг имкони бормикин?! Бундай сўзларни айтиётганда Миркомилбойнинг ҳолатини адаб қаҳратонда қолган инсондек совқотган, кўксининг аллақаери чирт этиб узилган тарзида ифодалайди. Бундай тасвирлар эса қаҳрамон руҳиятининг оғриқларини янада кучайтиришга хизмат қилган.

Хаётда яхшилик ва ёмонлик, баҳт ва баҳтсизлик, оқ ва қора, туғилиш ва ўлим, кеча ва кундуз, муҳаббат ва нафрат туйғулари ҳамиша ёнма-ён юради. Шу маънода ҳикояда ватанпарвар ўзбек ўғлонлари билан бир қаторда миллат фожеасини келтириб чиқарган манқурт, имон-эътиқоддан маҳрум бўлган сотқинлар образи ҳам тасвирланган. Шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, Миркомилбой инқилобий трибуналга топширилади. Трибунал вакилларидан бири – рус, бири – ўзбек йигити. Миркомилбой гамхўрлик қилган ўша ўзбек йигитлардан бири. Миркомилбой қазоси олдидан икки ракат намоз ўқиш учун сув сўраганида ўз қавмидан, ўз халқидан бўлган аскарча бунга рухсат бермайди. Мовий кўзли рус аскари эса сўнги тилакнинг бажарилишига ижозат беради. Миркомилбой намозни бошлишга улгурди, холос. Ўз халқидан чиқкан, босар-тусарини билмай қолган ўзбек аскарча унга қараб кетма-кет ўқ узган эди. «... аммо-лекин Миркомил учун ўзидан чиқкан ва бутун умр таъқиб этган душманини ўз кўзи билан кўриш орзуси ҳам ниҳоятда арзимас нимарсага айланган – унинг учун бу ёруғ дунёда холис ниятла бошлаган сўнгти, ибодатини адо этишдан

муқаддасроқ мақсад-муддао қолмаган эди, бирок ақлсиз ўқ узилаверди-узилаверди... Миркомилнинг тилка бўлган жасади ўзи қазиган хандаққа гурсиллаб ағдарилди...»[3.15]

Ҳикоянинг охири шу зайлда оригинал якун топади. Ёзувчи талқинида ҳалол, адолатпеша, тўғрисўз, ишбilarмон, миллат равнақи учун курашувчан, юртпарвар Миркомилбойни фожиага олиб келган нарса зоҳиран майда бўлиб кўринган ҳасад, ғийбат, чақимчилик, иймонсизлик, манқуртлик иллатларининг кўпайиб кетишидир. Мустамлаканинг боиси ҳам душманнинг зўрлиги, айёр ёки қувлиги эмас, миллатни ичидан емирган ички низодир.

Хуршид Дўстмуҳаммад Миркомилбой образи табиатида иймон-эътиқодли, ватанпарвар шахс образини ифодалаган бўлса, Сайд Аҳмад “Тақдир, тақдир, мунча шавқатсизсан” ҳикоясида капитан Расулов тимсолида имон-эътиқодни қалбида жо қилган, юртдошларига ён босадиган шахс образини яратган. Дин қаттиқ таъқиб остига олинган, урф-одатлар қораланган, замон ўз қиличини яланғочлаб турган мустабид бир пайтда ҳам капитан Расулов миллатдоши маҳбус Дадажонни мусулмон қоидаларга мос ҳолда дафн этиш учун яширинча оқ сурп топиб келиб беради. Хизматдаги шерикларига билдиrmаган ҳолда майитни дафн қилиш учун рассом ёзувчи Сайд Аҳмадни ва учта Бухоролик аскарлардан юбориб, сўнгги манзилга қузатишда Куръон тиловати ўқишини тайинлаган. Бу ҳам капитан Расуловнинг зоҳиран мустабид тузумга хизмат қилса-да, аслида ботинида ватандошлари, ҳалқи учун жон куйдиришини, иймон-эътиқоди бутун инсонлигини англатади. Шу ҳикоядаги ёнғин пайтида эшикни очмай, маҳбусларни қора тутун ичидаги қолдирган назоратчи Демянов эса инсоний туйғулардан, инсонийликдан бутунлай маҳрум манқурт сифатида Миркомилбойга ўқ узган сотқин аскар образига маънан ўхшацдир.

Сайд Аҳмад “Офтоб ойим” ҳикоясида ҳам ватанпарвар япон аёл образини, япониялик Дюн тимсолида ватанпарвар самурай образини

яратган. Офтоб ойимнинг Ватанга бўлган мухаббати оналик меҳридан устун келганлиги ҳаётий воқеалар асосида бадиий далилланган.

Ўзбекнинг буюк адиби Сайд Аҳмад яратган Офтоб ойим, Дадажон, капитан Расулов образлари ва истеъододли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларидаги Миркомилбой, Тўхтасинбой образлари ватанпарварлиги, ўз иймон-эътиқодига содиқлиги, оғир шароитларда ҳам чин инсоний хислатларини сақлаб қолганлари билан ҳам билан ўхшашдир. Шу билан бирга бу ҳикоялар ўзбек халқининг бошидан ўтган қора кунлари, адолатсиз жамият тузуми ҳақида ўқувчи қалби ва онгида аниқ тасаввур уйготадики, бу нарса бугунги тинч, фаровон кунларимиз учун шукроналар қилишимиз кераклигини англатади. Ҳар иккала ёзувчи ҳам ўз ҳикояларидаги қаҳрамонлар руҳиятининг изтиробли, туйғуларнинг оғрикли нуқталарини бадиий маҳорат билан ёритиб берганларини ҳисобга олиб, уларни том маънода инсон руҳиятининг билимдони, психолог-ёзувчи деб аташимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуғафур Расулов. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент, Шарқ, 2007.
2. Сайд Аҳмад. Қоракўз мажнун ҳикоялар тўплами. “Борса келмас дарвозаси” ва “Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан?” ҳикоялари – Тошкент. 2016.
3. Дўстмуҳаммад Х. Қазо бўлган намоз. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1996.

